5 ЯНВ 1991

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

МИЛОДИЙ 1991 ЙИЛ 10 ЯНВАРЬ ПАЙШАНБА
№ 7.
ҲИЖРИЙ 1411 ЙИЛ ЖАДИЙ. 21-САНА

1991 йил 1 январда таваллуд топган

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН, СОТУВДА 10 ТИЙИН

Ҳар йўриқдан бир шингил

АНДИЖОН. Тиббиёт институти бош клиникаси шифохонасининг дори-дармонсиз даволовчи бўлимида юқори самарали янги усуллар жорий этилмоқда. Бунда мутахассисларнинг юксак касб маҳорати қўл келаяпти. Профессор Азим Жўраев томонидан таклиф этилган ва ҳозир кенг истеъфода этилаётган мануаль коррекция (умуртқа поғонаси камчиликларини бартараф этиш) бир қарашда халқ табобатидаги уқалашни эслатади. Бу ерда муолажанинг 50 дан ортиқ янги усуллари ўзлаштирилди.

ХОРАЗМ. Боғот районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида ижтимоий-маиший тармоқлар қурилишига жиддий эътибор берилаяпти. Янги йил арафасида 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди ва яна иккитасининг пойдевори ташланди. Қўшкўпир ноҳиясидаги Чапаев номли жамоа хўжалигида эса маданият саройи қурилиб, меҳнаткашлар ихтиёрига берилди.

ТОШКЕНТ. Бўёвут районида аҳолини иш билан таъминлашнинг доимий дастури амал қилаяпти. Яқинда Ленин номли жамоа хўжалигида гилам ҳамда тикувчилик буюмлари тайёрлайдиган цехлар ишга тушди. Бундан олдинроқ жамоа хўжалигида ғишт заводи фойдаланишга топширилган эди.

ҚАШҚАДАРЁ. Қаршидаги 10-дон маҳсулотлари комбинати шартнома асосида хўжаликларга ем сота бошлади. Гўшт ва сут етиштиришга ихтисослаштирилган паррандачилик фабрикалари, чўчқачилик комплекслари, қоракўлчилик давлат хўжаликлари ҳамда нуқул ўрдак боқиладиган хўжаликларга озуқа махсус рецептлар асосида тайёрланмоқда.

БУХОРО. Томди чорводорлари қишловни талафотсиз ўтказишмоқда. 375 минг қоракўл қўйлар ва бошқа молларга етарли озуқа тайёрланган. Чўпон-чўлиқларга қулай шароит яратилгани муваффақият омили бўлаяпти.

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўли гул чеварлари аҳолининг сифатли ва бежирим, замонавий кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондиришдек заҳматли меҳнатни зиммаларига олишган. Ўзбекистон ССР халқ депутати Мукаррам Очилова бошлиқ сифат назоратчилари бригадаси уларнинг бу эзгу ниятларини амалга оширишга доимо камарбаста бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бирлашма ёрлиғи тушрилган маҳсулотлар талабчан харидорларнинг муносиб баҳосини олмоқда.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Мукаррам Очилова касбдошлари З. Ғуломқодирова ва М. Зуфарова билан янги режалар хусусида ўзаро фикр алмашмоқда.

Александр ЗУФАР суратга олган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ПУХТА БОШҚАРИЛСИН

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов жумҳурият деҳқончилик-саноат мажмуини бошқариш структурасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказди.

Кенгашда партия ва совет ходимлари, деҳқончилик-саноат мажмуига кирадиган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, жумҳуриятдаги бирқанча колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши, қишлоқ хўжалигида ва қайта ишлаш тармоқларида меҳнатни ташкил этишнинг ижара, пудрат усуллари кенг жорий қилиниши муносабати билан деҳқончилик-саноат мажмуини бошқариш идораларининг тузилишини ўзгартириш зарур бўлиб қолди. Жумладан жумҳурият Президентининг Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитасини қайта ташкил этиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига айлантириш тўғрисидаги фармони шу туфайли юзага келди.

Кенгашда қишлоқ хўжалигини ва қайта ишлаш тармоқларини бошқаришнинг янги схемаси кўриб чиқилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТАХИАТОШДА ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Халқ депутатлари Тахиатош шаҳар кенгашининг органи — «Халиқ дауиси» — «Халқ товуши» рўзномасининг дастлабки сони нашр қилинди. Бу сон муштарийларни энергетикларнинг Амударё этакларидаги шаҳри ривожининг истиқболлари билан таништирди. Рўзноманинг ҳар бир сони ҳафтасига бир марта ҳам қорақалпоқ, ҳам рус тилларида чиқади.

— Тахиатошда рўзнома чиқарилиши — халқ депутатлари ғайрат билан ишлаётганликлари натижасидир, — дейди «Халқ товуши»нинг муҳаррири Ж. Нуруллаев. — Ҳозирча биз нукуслик ноширлар хизматидан фойдаланаяпмиз, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ жумҳурият ҳукуматида ўз базамизни барпо этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Журналистлар тахиатошликларга ҳозирги сиёсий ва иқтисодий турмушда тўғри йўл танлашда ёрдам беришни ўзларининг асосий вазифалари деб билишмоқда.

«Тахиаташгидроэнергострой» қурилиш бошқармаси партия қўмитасининг ва касаба уюшмаси қўмитасининг бекор қилинган «Огни Тахиаташа» рўзномаси ходимлари янги ҳафтаноманинг таҳрир ҳайъатини ташкил этди.

Янги рўзнома Қорақалпоғистонда чиқарилаётган район ва шаҳар миқёсидаги ўн олтинчи нашрдир.

ЎзТАГ мухбири.

ХАТЛАРДА ЭЛ ОВОЗИ

Аввало ҳаммаларингизга саломатлик ва ижодий барака тилайман. «Халқ сўзи» муштарийларнинг ғоят зарур рўзномасига айланишидан умидворман. Унинг биринчи сонини ёрқин ниятлар билан очилган катта дарвозага ўхшатгим келади. Ушбу эзгу орзу қалам тебратишимга ундади.

Абдувоси КАРИМОВ,
Бухородаги Мир Араб мадрасасининг мударриси.

БУХОРО ДАРВОЗАЛАРИ

Бухорои шарифнинг тор ва қоронғи кўчаларидан ўтганимда менга равшанлик бағишловчи нур қадимий ҳовлиларнинг нақшинкор дарвозаларидир. Дарҳақиқат, булар турли услуб ва кўринишлари билан ҳар қандай кишини сеҳрлаб, бой ўтмиш маданиятимизнинг бир қирраси ҳисобланмиш ёғоч ўймакорлиги санъатининг катта ютуқларга эришганлигидан далолат беради.

Дарвоқе, тарихнависларнинг ёзишларича, Бухорода 114 мадраса, 360 дан ортиқ масжид, юзлаб кўчалар бўлган. Агар уларнинг ҳар бирида ўртача 30—40 ҳовли-жой мавжуд эканлигини назарда тутсак, шаҳарда камида беш-олти минг ажойиб нақшин ва гулчин дарвозалар қурилган, дейиш мумкин. Уларни қўли гул, имони пок, лафзи ҳалол аждодларимиз яратганликларидан қалбларимиз ғурурга тўлиб кетади. Аммо мана шу бебаҳо мероснинг ҳозирги ҳолати ҳар қандай имонли кишининг юрагини зирқиратмасдан қўймайди.

Афсуслар бўлсинки, биз янги ҳаёт қуриш гирдобига тушиб, ота-боболаримиз авайлаб-асраб келган халқ амалиётининг бу соҳасига эътиборсиз қарадик.

Бугунги кунда азим Бухорода нозиктаъб усталар борлигига шукур. Шундай гўзаллик ва шодлик ҳадя этувчилардан бири бухороликлар меҳрини қозонган Бобомуродовлар оиласидир. Хонадон соҳиби Очил ака нафақат қадимий масканда, балким жумҳуриятимизда ганч ўймакорлиги санъатининг кўзга кўринган отахон усталаридан бири ҳисобланадилар. Фарзандлари Баҳодир, Ботир, Баҳром ва Бахтиёр қадимий ҳовли ва масжидларни, мадраса ва саройларни ганч ўймакорлиги нақшлари билан безашу тиклашдаги жонбозликлари учун ҳамшаҳарларимиз таҳсинига сазовор бўлмоқдалар.

Зар қадрини заргар билганидек, бу ҳунарманд рўзғор фарзандлари ҳам унутилаёзган ёғоч ўймакорлиги санъатини асраш ва тиклаш каби савобга қўл урганлар. Бу ишларга Ботиржон бош-қош, акакулари эса унга ҳамкор.

Барча мусулмон аҳлининг нияти яхшилик йўлида нек ишларни амалга оширaётган Ботиржон ва унга ўхшаш ўнлаб усталарнинг ишларига ривож, ўзларига баркамоллик тилаб қолишдир. Улар яратаётган зебо нақшли дарвозалар келажагимиз бўлмиш фарзандларимиз олдида ланг очилиб, умидворлик ва ифтихор йўлларига бошласин.

ЎЗБЕКИСТОН ЧИННИСИ ҚАНИ?

Мана бир неча йилдирки Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган чинниларни фақат зангори экранда кўраяпмиз. Ёки қайсидир бир корхонада чинни буюмлар плани ортиғи билан бажарилгани ҳақидаги хабарни матбуот саҳифаларида ўқиб қоламиз. Ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Қани ўша чойнак-пиёлалар, лаганлар? Корхоналар тўхтаб қолмагандир, ахир?

Иброҳим РАҲМАТ ўғли.
Ўзбекистон райони.

ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛДИ ИНСОН ТАҚДИРИ

Ҳурматли бош муҳаррир! Мен 33 ёшдаман. Маълумотим ўрта. Оилам ва беш нафар фарзандим бор. Соғлиғим ночорлиги туфайли 76 сўм 25 тийин нафақа оламан. Ҳозирги кунда бу нима деган гап? Оиламга ёрдам бергим келади. Бунинг учун эса ишлаш керак. Ана шу масалада районимиздаги барча раҳбарларга учрашдим. Ҳеч қандай натижа чиқмади. Менинг ишлашимга қонун йўл қўймас эмиш. Бу қандай гап?

Баъзан ўйга толаман: мабодо биз қоғоз асрида яшамаяпмизмикан? Қачонгача инсон устидан бир парча қоғоз ҳукмронлик қилади?

Энди бир истак билдирмоқчиман. Рўзнома, модомики ўз номи билан «Халқ сўзи» экан, у ҳамиша эл билан бирга бўлиб, тоабад у билан қолиши керак. Қуруқ ваъдалардан иборат мақолалар, тахминлар, бажарилиши гумон нарсалар ҳақида умуман ёзилмаса.

Н. ШУКУРОВ.
Самарқанд шаҳри, Боғишамол райони.

ИЛК СОНЛАРНИ ЎҚИБ...

«Халқ сўзи»нинг биринчи сонларини ўқидим. Шоира Ойдин Ҳожиева айтганидек, рўзноманинг сўзи халққа, халқнинг сўзи рўзномага ва унинг барча ижодий ходимларига дуо бўлсин! Бирлигимиз бузилмасин, алоқамиз узилмасин. Кечагина туғилган рўзнома ҳали бешикда. Унга раҳнамолик, меҳрибонлик ва ишларига ривожни биз жумҳуриятимиз раҳбарларидан, худои таолодан сўраймиз. Умид билан ўтказилган кўчат унсин, ўссин, гуллаб мева берсин. Ундан меҳнаткаш, жафокаш халқимиз баҳраманд бўлсин, деган ниятдаман.

Азизжон АБДУЖАЛИЛОВ.
Ленинград райони.

x x x

Ушбу мактубни сизларга йўллашни бурчим деб билдим. Рўзноманинг дастлабки сонлари учун минг раҳмат. Оиламиз билан бирgaликда ўқиб чиқдик. Айниқса «Кўзнинг очилиши», «Фирдавсга учдингми, булбули гўё?» сарлавҳали мақолалар бизга маъқул бўлди.

Назаримда анчагина қийин сўзлар ишлатилган. Шу боис баъзи жумлаларни қайта-қайта ўқишимизга тўғри келди. Яна бир истак: келгуси сонларда халқ депутатлари қишлоқ, район Кенгашлари фаолияти кенгроқ ёритилса.

Муҳаммаджон МАМАЖОНОВ,
Советобод шаҳар Кенгашининг депутати, меҳнат ветерани.

x x x

Мен оддий бир ўзбек ўғлони сифатида халқимнинг тақдири ҳақида қайғураман. Шу сабабли ўзбек тилининг давлат тили сифатида жуда суст фаолият кўрсатаётганидан куюнаман. Айниқса жойлардаги баъзи арбобларнинг атворидан ранжийман. Самарқанд вилоятида хоҳлаган районга бориб ҳужжатларга бир разм солсангиз, иш асосан рус тилида юритилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. «Халқ сўзи» рўзномаси ана шу мавзуни изчил ёритади, деган умиддаман.

Абдулваҳоб Идрис НАЗАР ўғли.

ХУДДИ ЎЗ ОТА-ОНАЛАРИДЕК

Конституция маҳалла қўмитаси ўз ҳудудида яшовчи қашшоқ, муҳтож оилаларни аниқ ҳисобга олиб чиққандан кейин уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини Фрунзе райони ташкилотлари олдига қўйди ва бу муаммони муваффақиятли ҳал этди. Бундан бир неча ой олдин ўта муҳтож кишиларга маҳалла ҳисобидан 50 сўмдан пул улашилди. 30 кишига 4 килограммдан гуруч, 5 килограммдан ун, тухум, чой, ёғ элтиб берилди. Янги йил арафасида ҳамма хонадон эгалари гўшт ва калиш олдилар.

Тошкент шаҳар Фрунзе райони тарихида бундай хайрли иш сира бўлмаган эди. Маҳалла қўмитасининг раиси, Улуғ Ватан уруши ногирони, жумҳурият миқёсидаги шахсий пенсионер, жумҳуриятда хизмат кўрсатган шифокор Тўхтамурод Алимов, қўмита аъзолари Нафиса Қодирова, Набихўжа Мадаминов, Хосиятхон Исмоиловалар ана шу хайрли ишнинг ташаббускорларидир. Бу ўртоқлар муҳтож ота-оналарни худди ўз падари бузрукворлари ва волидаи меҳрибонларидек эъзозлаб, уларнинг мушкулларини осон қилмоқдалар.

Қ. ТАБИБОВ,
партия ва меҳнат ветерани,

Ориф ЮНУС,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

«Халқ сўзи» сотувда кўпаядими?

Дўкончи иккита рўзнома узатди-да:

— «Халқ сўзи» тугади, — деди айбдор оҳангда. — Ўзи ўнтагина беришган эди.

Бу жавобни эшитиб, Собир Раҳимов станциясидан метрога тушдим-да, шаҳар марказига жўнадим. Пойтахтнинг Карл Маркс кўчаси муюлишидаги дўконга «Халқ сўзи» рўзномаси умуман келмапти.

Инқилоб хиёбони чеккасидаги киоскачи ҳам:

— Озгина беришди, тугаб қолди, — деди. Кейин бироз ўйлаб қўшиб қўйди: — Ҳайронман, одамларни қизиқтирган рўзномани етарли беришмайди, баъзилари пешингача ҳам тарқалмайди.

Бу аҳволни кўриб Ўзбекистон ССЖ Алоқа вазирлигининг «Союзпечать» идорасига йўл олдим. Идора бошлиғи Вилоят Мамасодиқова билан суҳбатимиз мана шу англашилмовчиликни ойдинлаштиришдан бошланди.

— Тўғри, аввал бошдан вилоятлар буюртмаси бўйича чакана савдога «Халқ сўзи» рўзномаси кам чиқарилди. Чунки Тошкент шаҳри 3 минг нусха, Тошкент вилояти бор-йўғи 240, Андижон 590, Самарқанд 686 нусхага буюртма берганди. Умуман янги рўзнома жумҳуриятимиз матбуот дўконларига 9 минг нусха атрофида чиқарилди, холос. Январнинг дастлабки кунлари шуни кўрсатдики, жумҳурият фуқароси орасида, қардош, қўшни жумҳуриятларда «Халқ сўзи» рўзномасига қизиқиш катта. Сотувчилар уни кўпроқ нусхада беришни сўраб мурожаат қилишаяпти. Айни пайтда ҳар бир киоскачи одамлар эҳтиёжини кун сайин ўрганиб, талабномалар тўлдирмоқда. Январнинг иккинчи ўн кунлигидан Тошкент шаҳрига чиқариладиган нусха миқдорини кескин ошириш ниятидамиз. Жиззах, Фарғона, Бухоро дўконларида ҳам рўзнома кўп миқдорда тарқала бошлади.

ГАП МУШТАРИЙГА ЁҚИШДА

Шуни айтиш керакки, бу вилоятларнинг матбуот тарқатувчилари аҳоли эҳтиёжи, қизиқишини анча илгари чуқур ўрганиб чиқишди. Шунга асосланиб биринчи кундан бошлаб дадил-дадил буюртма беришди.

— Вилоят опа, рўзномамиз таҳририятига обуна хусусида мурожаат кўпаймоқда. Жойларда бу иш қандай давом эттирилади?

— Бу рўзнома ўз номи билан ўзини ўзи ташвиқ қилаяпти. Дастлабки сонларда эълон қилинган ўқимишли мақолалар қизиқишни оширмоқда. Жафокаш халқимиз тақдирини ўйлаб, унинг қисматини енгиллаштиришга бағишланган чиқишлар давом этишидан умидворимиз, албатта. Одамлар одил, оқил фикрга чанқоқ. Обунани ойма-ойига давом эттириш ҳақидаги қароримиз ҳам худди шу қизиқишдан келиб чиқди. Фуқаро ўртасида «Халқ сўзи»га, умуман ҳамма рўзномаларга ёзилиш давом эттирилади. Барча алоқа бўлимларига, «Союзпечать»нинг жойлардаги идораларига тегишли кўрсатма берилди. Почтачилар уйма-уй юриб, аҳоли истагини ўрганиб, обуна қабул қилишади. Улар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида устама хизмат ҳақи ҳам белгилаб қўйдик. **Ҳар ойнинг 15-кунигача обуна бўлган кишилар кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб рўзномани ола бошлашади. Биз ҳар ойнинг 20-куни қўшимча маълумотлар асосида рўзнома тиражига доир буюртмаларимизга ўзгартиш киритамиз.**

— Маълумки, муштарий муайян рўзномаларга анча илгари ёзилган. Бу орада янги матбуот нашрлари пайдо бўлиб, қисқа муддатда кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Лекин ҳозирги нархларда ҳамма оила ҳам ўзини қизиқтирган янги рўзномага маблағ ажратишга қодир эмас. Айтинг-чи, Вилоят опа, обуначилар жорий йил давомида бир рўзномадан воз кечиб, бошқасини — ўзлари истаганларини олиш учун илгари тўлаган ҳақларини қайта расмийлаштиришлари мумкинми?

— Албатта. Ҳозирги бозор муносабатлари рўзномалар ўртасидаги рақобатчиликни ҳам кучайтиради. Ҳеч кимни ўзнга ёқмайдиган рўзномаю ойномани ўқишга мажбур эта олмаймиз. Муштарий ўзи илгари ёзилган-у, бироқ қизиқмай қўйган рўзномасига обунани бекор қилиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир киши ўзига хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимига мурожаат этса кифоя. У ердаги ходимлар обуначи аризаси бўйича бир нашрнинг келишини тўхтатиб, ўша хонадонга бошқа рўзнома етказиб бера бошлайдилар. Ҳақни бир ҳисобдан бошқасига ўтказиш, буюртмаларга қўшимча киритиш эса бизнинг ишимиз. Қисқаси, ҳозирги шароитда рўзнома тиражини муштарийлар белгилашади.

Суҳбатдош:
Жўра САЪДУЛЛА.

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз муштарийлар! Кўриб турибсизки, рўзномамизга ёзилиш жараёни тўхтамайди. Агар жойларда бирор тўғаноқ сезилса, навбатдаги ойдан бошлаб обунани расмийлаштириш пайсалга солинса, дарҳол бизга мурожаат қилаверинг. Сизларга индексимизни яна бир бор эслатамиз: 64608.

ОЛИЙ КЕНГАШ ЯНА ИШГА ТУШДИ

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Мамлакат янги йилга биринчи марта Давлат режаси ва бюджетисиз қадам қўйди. Бунинг сабаби—Иттифоқ парламенти ишидаги камчиликлар эмас. Қонун чиқарувчилар яқинда Федерация кенгашининг мажлисида 1991 йилда халқ хўжалиги алоқаларини барқарорлаштириш тўғрисида жумҳуриятлараро битимга эришилгандан сўнггина аҳволни ўнглаш имкониятига эга бўлдилар.

8 январь куни ўз ишини яна бошлаган СССР Олий Кенгаши тўртинчи сессиясининг асосий вазифаси ушбу йил учун СССР Давлат режаси ва бюджетини кўриб чиқиш ва қабул қилишдан иборат. СССР Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукьянов таъкидлаганидек, парламент аъзолари ана шу ва бошқа масалаларни СССР халқ депутатлари тўртинчи съездининг ҳали унутилмаган изидан бориб, яқин вақт ичида ҳал қилишлари лозим. У парламент сессияни анча янгиланган таркибда бошлаганлигига эътиборни қаратиб, биринчи иш йилининг энг яхши тажрибаларидан фойдаланилади, деб умид қилди, депутатларни амалий тусда ишлашга даъват этди.

СССР Олий Кенгашининг Раиси халқ депутатларининг яқинда бўлиб ўтган съезди якунларига батафсил тўхталиб, гап пухта ўйлаб баҳо беришни талаб қиладиган, жамиятда муҳим барқарорлаштирувчи роль ўйнаган воқеа ҳақида бораётганини таъкидлади. А. И. Лукьяновнинг гапларига қараганда (у съезд қарорларини «юмшоқ аксилинқилобий» ва ўнгга бурилиш деб талқин қилишга мутлақо қўшилмади), съезд масъулият ва амалийлик, тотувликка интилиш билан ажралиб турди. Нотиқнинг фикрича, иттифоқ давлат ҳокимияти олий идорасининг қарорлари бутун қонунчилик фаолиятига асос бўлиши лозим. Олий Кенгаш Раиси съезднинг иттифоқ қонунларига зид бўлмаган жумҳурият қонунларигина ҳақиқий ҳисобланиши тўғрисидаги қарорини алоҳида кўрсатиб ўтди. Парламент бошлиғи ушбу жиҳатни «қонунлар урушига чек қўйишнинг бошланиши» деб атаб бундай деди: эндиликда, чамаси, бошланаётган бюджетлар урушини ҳам тўхтатадиган вақт келди.

А. И. Лукьянов сессиянинг яқин ҳафталардаги иши тартиби тўғрисида гапириб, режа ва бюджет қабул қилингандан кейиноқ аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги СССР қонуни асосларини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва маъқуллаш зарурлигини таъкидлади. Бу, деди у, жуда катта аҳамиятга молик ҳужжат, одамларнинг келажакка ишончи масаласидир. Бундан ташқари тўртинчи сессияда ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисида ва ерга хусусий мулкчилик ҳақида умумиттифоқ референдумларини ўтказиш вақти белгиланиши керак. СССР Олий Кенгашининг Раиси депутатлар парламент аъзоларининг Президент ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси аъзолигига номзодларни тасдиқламай туриб таътилга тарқаб кетишларга ҳаққи йўқ, деган фикрига қўшилди. Сессияда Форс кўрфазидаги вазият ҳамда иккита халқаро конвенцияни тасдиқлаш тўғрисида СССР Ташқи ишлар вазирлигининг ахбороти ҳам эшитилади.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ УСТАВИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (Ўзбекистон ЖУ)

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси — жумҳурият оммавий ахборот воситалари ходимларининг давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат уюшмаларидан мустақил ва уларга ҳисоб бермайдиган, ўзини ўзи бошқарадиган касбий-ижодий ташкилоти.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик асосида Қорақалпоғистон Журналистлар уюшмаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларни, шунингдек, журналистлар бирикмаларини ўзида бирлаштирган бўлиб, уларнинг ижодий фаолиятини кучайтиришга даъват этилгандир.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ўз фаолиятини ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ Конституциялари, амалдаги қонунлар ва ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик ва шартнома асосида ССЖИ Журналистлар уюшмалари конфедерацияси (ЖУК) таркибига киради.

2-банд. Уюшманинг мақсад ва вазифалари

Сўз ва матбуот эркинлиги принципларини қарор топтириш ва амалга ошириш, фуқароларнинг тез ва тўғри ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш;

журналистларнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижодий ҳуқуқларини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

журналистларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш;

турли ғоявий йўналишдаги нашрларда хизмат қилаётган журналистларни бирлаштириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари ва ноширларига дахлдор манфаатларини ҳимоя қилиш;

оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга, уларнинг моддий-техника заминини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

уюшма аъзоларининг жумҳурият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган қонун тайёрлаш ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш;

журналист ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, ёш журналистларни ўқитиш ва тарбиялаш;

таҳририят жамоалари билан биргаликда ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашиш, жамоатчилик асосида ишлайдиган мухбирларни тайёрлаш;

журналистика фахрияларига ғамхўрлик қилиш;

бошқа жумҳуриятлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги журналистика ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш;

ноширлик ва бошқа ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

3-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига аъзо бўлиш

Жумҳурият оммавий ахборот воситалари ва нашриётларнинг ижодий ходимлари ҳамда журналистик фаолият билан шуғулланаётган фуқаролар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Қабул шартлари: Ўзбекистон ЖУ Уставини тан олиш, уюшмага кириш бадали ва аъзолик бадалларини тўлаш, юксак касб маҳорати ва жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатиш.

Журналистлар уюшмасига аъзо бўлувчилар оммавий ахборот воситаларида камида уч йил ишлаган бўлишлари керак. Улар шахсий ариза, Журналистлар уюшмасининг камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган икки аъзосидан тавсиянома, таҳририятдан уюшмага кирувчининг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари қайд этилган ижодий тавсифнома тақдим этадилар.

Тавсия этувчилар ўз тавсияномаларининг холислигига жавобгардирлар.

Аризани бошланғич журналистика ташкилоти ариза берилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқади ва уюшмага қабул қилиш-қилмаслик масаласини очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан ҳал этади.

Қабул қилинганлик ҳақидаги қарор Ўзбекистон ЖУ бошқаруви котибияти тасдиғидан сўнг кучга киради.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзолари бир хил нусхада ишланган гувоҳнома оладилар.

4-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— уюшма фаолиятига доир барча масалаларни муҳокама этиш ва қарор қабул қилишда, журналистика ташкилотларининг ижроия органлари аъзолари ҳамда Ўзбекистон журналистлари съездидан тортиб барча анжуман ва қурултойларга делегатлар сайлашда бевосита қатнашиш;

— ЖУ бошқаруви органларига сайланиш;

— ЖУ бошқаруви органлари фаолиятига доир маълумотларни олиш, муҳокама этилаётган ҳар қандай масала юзасидан ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилиш;

— ўз фаолияти муҳокама этилаётган пайтда шахсан иштирок этиш;

— ўз касби билан боғлиқ вазифаларни адо этаётганда ЖУдан ижодий ва ҳуқуқий ёрдам олиш, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижодий келишмовчиликлар туғилган пайтда ЖУ органларига мурожаат этиш;

— барча турдаги ижодий, хўжалик-тижорат ва ноширлик ишларида иштирок этиш, шу жумладан, хорижий ташкилотлар билан қўшма корхоналар тузишда қатнашиш;

— дам олиш, саломатликни яхшилаш, ижодий фаолиятни йўлга қўйишга мўлжалланган шарт-шароитлардан фойдаланиш, журфонд маблағлари ҳисобидан ижтимоий ва моддий ёрдам олиш;

— қўшимча турар жойга эга бўлиш.

5-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси қуйидагиларни бажариши шарт:

— уюшма Уставига риоя этиш ва аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш;

— ЖУ ишларида қатнашиш;

— касб маҳоратини ошириб бориш;

— журналистларнинг касбий бирдамлигига раҳна солувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;

— барча халқ ва элатлар тилига, маданиятига, миллий анъаналарига ҳурмат билан ёндашиш, миллатлараро адоватни авж олдиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатга қарши чиқиш.

6-банд. Уставдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бузганлик учун Ўзбекистон ЖУ аъзосига қуйидаги чоралар қўлланиши мумкин:

ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан. уюшма аъзолигидан чиқариш.

Жазо чоралари бошланғич журналистика ташкилоти йиғилишида кўрилади, журналистика ахлоқ-одоб қоидалари бузилган тақдирда касб ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгашида кўрилади.

Жазо уни берган ташкилот томонидан бир йилдан кечиктирмай олиб ташланади.

7-банд. Журналистлар уюшмасининг аъзоси қуйидаги ҳолларда уюшма аъзолигидан чиқарилиши мумкин:

— ЖУ Устави талабларини бузганда;

— аъзолик бадалларини сурункасига тўламаган тақдирда;

— журналистика ташкилотидан ажралиб қолганда ёки ижодий фаолиятни тўхтатганда (фахриялар ва ногиронлар бундан мустасно);

— умуминсоний ёки журналистика ахлоқ-одоб қоидаларини бузганда;

— ўз ихтиёри билан ёзган аризасига кўра.

Бошланғич журналистика ташкилотининг аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарори ташкилот ҳисобида турган уюшма аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади ва Ўзбекистон ЖУ бошқаруви котибияти томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Бошланғич ташкилотнинг аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарори устидан журналист бир ой муддат ичида уюшма юқори органларига шикоят ёзиш ҳуқуқига эга.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик асосида Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларни, шунингдек, бошқа журналистлар бирикмаларини ўзида бирлаштиради.

8-банд. Бошланғич журналистика ташкилотлари

Бошланғич журналистика ташкилотлари уюшманинг асоси ҳисобланади. Улар уюшма аъзоларининг иш жойлари — газета ва журнал таҳририятларида, телевидение ва радиоэшиттиришда, ахборот агентликларида ва нашриётларда, уюшманинг камида учта аъзоси бўлган бошқа ташкилотларда тузилади. Шунингдек, бир нечта туман, шаҳар ва нашриётлардаги уюшма аъзоларини ўз ичига олган ҳудудий бошланғич ташкилотлар, бирикмалар ва бошқа бирлашмалар ҳам тузилиши мумкин. Улар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан рўйхатга олинади ва уларга юридик шахс мақоми ва молиявий мустақиллик берилади.

Ўзбекистон ЖУ аъзоси қайси ташкилотда ҳисобда туришни ўша ташкилотнинг розилиги билан ўзи белгилайди. Ўзбекистон ЖУнинг нафақага чиққан аъзолари ўз хоҳиши билан сўнгги иш жойларидаги бошланғич ташкилотда ҳисобда турадилар.

Бошланғич журналистика ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— таҳририят Уставини ишлаб чиқишда, таъсис этувчи ва ношир билан шартномалар тузишда қатнашиш, унга амал қилишни назорат этиш;

— жамоада меҳнат низолари чиққанда уларни қонуний ҳал этишда қатнашиш;

— матбуот эркинлигини, таҳририят жамоасининг касб жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш ва журналистлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуида кўзда тутилган барча чоралардан фойдаланиш;

— уюшманинг раҳбар органлари таркибига ўз вакилларини тавсия этиш, зарур ҳолларда уларни чақириб олиш масаласини ҳал этиш;

— журналистика касби ахлоқ-одоби тартиб-қоидаларига риоя қилиш ишларини кўриб чиқиш;

— уюшма аъзоларини касб ўқишига тавсия этиш;

— ижодий мусобақалар, кўргазмалар, ижодий танловлар, семинарлар, тезкор мажлислар ва бошқа тадбирларни ташкил қилишда ва уларнинг якунини кўриб чиқишда иштирок этиш;

— энг яхши ишларни мукофотларга тавсия этиш, уюшма аъзоларини тақдирлаш ва рағбатлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

— мукофотларга, фахрий унвон ва шу кабиларга тақдим этилаётган уюшма аъзоларининг тавсифномаларини кўриб чиқишда иштирок этиш;

— уюшма аъзоларининг Уставдан келиб чиқадиган бурч ва топшириқларни қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, уларнинг Ўзбекистон ЖУ аъзоси деган номга нечоғлик муносибликлари ҳақида бир қарорга келиш;

— уюшма аъзоларининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этиш;

— таҳририят маблағи ва даромадларини тақсимлашда, ишга қабул қилинаётган ва бўшатилаётган номзодларни кўриб чиқишда, лавозимга кўтариш, рағбатлантириш ва жазолашда, ходимларни саралаш пайтида иштирок этиш;

— ноширлик ва тижорат фаолияти билан шуғулланиш, банкда ҳисоб-китоб рақамига, муҳрга эга бўлиш.

Ишлаб чиқаришдан тушган даромад корхона таъсис этувчилари билан бошланғич ташкилот ўртасида тузилган шартномага асосан тақсимланади. Шартнома бошланғич ташкилот йиғилишида тасдиқланади ва бекор қилинади.

9-банд. Бошланғич журналистика ташкилотининг олий органи умумий йиғилишдир. Йиғилиш зарурат туғилганда чақирилади, барча масалалар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

10-банд. Бошланғич журналистика ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши иккиуч йилда бир марта ўтказилади. Йиғилиш котиб ва унинг ўринбосарини сайлайди. Уюшмаининг 15 ва ундан ортиқ аъзоси бўлган ташкилотларда бошланғич ташкилотнинг бюроси сайланади. Бошланғич ташкилот котиблари ЖУ аъзоси сифатида қамида уч йиллик стажга эга бўлишлари керак.

Котиб, бюро режа билан ташкилий ва ижодий иш олиб борадилар, уюшма аъзоларини рўйхатга оладилар, аъзолик бадалларини йиғиб, бошқарув кассасига топширадилар, қилинган ишлар тўғрисида ҳар йили уюшма аъзоларининг умум йиғилишида ҳисоб берадилар.

11-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотлари мустақил иш олиб борадилар ва барча ташкилий-ижодий, ноширлик, ишлаб чиқариш- тижорат фаолиятларини ўз ҳудудларида Ўзбекистон ЖУ Уставига асосан амалга оширадилар. Улар юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланадилар, ўз номлари битилган доира шаклидаги ва тўртбурчак муҳрга, банкда ўз ҳисоб-китоб рақамларига эга бўладилар.

Қорақалпоғистон ЖУнинг олий органи беш йилда камида бир марта чақириладиган съезд, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларнинг олий органи эса беш йилда бир марта чақириладиган конференциядир.

12-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— бошланғич журналистика ташкилотларига раҳбарлик қилиш;

— ташкилий-ижодий, хўжалик-тижорат фаолиятини амалга ошириш, хўжалик ҳисобидаги ижодий марказлар ва бирлашмалар, секция ва комиссиялар, фотостудиялар ва бошқа тузилмалар ташкил этиш;

— журналистлар ва жамоатчи мухбирлар ўқувини ташкил этиш;

— матбуот конференциялари, тезкор мажлислар ва семинарлар ҳамда долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва касб муаммоларига бағишланган бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш;

— ижодий мусобақалар ўтказиш, таҳририятлар жамоалари ва журналистларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда кенг ёйиш;

— Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилиш, уюшма аъзоларини рўйхатга олиш масалаларини ҳал этиш;

— белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

— хорижий журналистлар вакилларини кутиб олишда Ўзбекистон ЖУ бошқарувига кўмаклашиш;

— бирodарлашган вилоятлар ва шаҳарлар оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасидаги ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, жумҳурият журналистларининг хорижий ҳамкасблари билан ижодий ҳамкорлигини жонлантирувчи турли хил шакллардан фойдаланиш, журналистларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

13-банд. Қорақалпоғистон ЖУ бошқаруви Қорақалпоғистон Журналистлар уюшмаси съездида, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар бошқаруви эса шу ташкилотларнинг конференцияларида сайланади. Бу анжуманларда тафтиш комиссиялари ҳам сайланади.

Қорақалпоғистон ЖУ ва вилоятлар ташкилотлари бошқарувининг пленумлари йилига камида икки марта чақирилади.

Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотларининг бошқарувлари бошқарувнинг масъул котиби, унинг ўринбосарлари ва Кенгаш аъзоларидан иборат бошқарув котиблари Кенгашини сайлайди.

Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар бошқарувларининг масъул котиблари ўз вазифаларини доимий равишда ado этадилар ва шу ташкилотлар ишлаб топган маблағ ҳисобидан маош олиб турадилар.

14-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар тафтиш комиссиялари раиси, унинг ўринбосари ва котибни сайлайди. Комиссия шу ташкилот ва унга бўйсунувчи муассаса ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб туради, шунингдек, ижодий уюшмага келадиган хатлар билан ишлашни текширади.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

15-банд. Съезд

Уюшманинг олий органи Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг беш йилда камида бир марта чақириладиган съездидир. Навбатдан ташқари съездлар ёки конференциялар бошқарув қарори билан ёхуд Ўзбекистон ЖУ жами аъзоларининг камида 50 фоизи талаб қилган тақдирда чақирилади.

Съезд ёки конференцияга ваколат миқдори ҳамда вакиллар сайлаш тартиби журналистика ташкилотларининг таклифига асосан Ўзбекистон ЖУ бошқаруви пленуми томонидан белгиланади.

Съезд ёки конференцияларга вакиллар сайлаш тўғридан-тўғри яширин ва муқобил асосда бўлади.

Съезд:

— Ўзбекистон ЖУ Уставини қабул қилади ва зарурат туғилганда унга ўзгартишлар киритади;

— бошқарув, тафтиш комиссияси ва Ўзбекистон Журналистлар фондининг ҳисоботларини тинглайди ва тасдиқлайди;

— уюшма фаолиятининг навбатдаги съездгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилайди;

— яширин овоз бериш йўли билан муқобил асосда ЖУ бошқарувини, унинг бошқа ишдан озод этилган раисини, биринчи ўринбосарини, раис ўринбосари ва бошқарув котибини, шунингдек, тафтиш комиссияси ва унинг раисини, ЖУга қарашли оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирларини сайлайди;

— Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фондини тузади ва муқобил асосда унинг раисини сайлайди;

— журналистика ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди, Кенгаш аъзолари ва унинг раисини сайлайди.

16-банд. Бошқарув

Съездлар оралиғида ЖУ ишларини бошқарув ва унинг томонидан сайланган котибият олиб боради.

Бошқарув таркибига Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотларидан номзодлар сайланади, бунда уюшманинг ҳар 50 аъзосидан бир номзод танланади. Бошқарув аъзолари Қорақалпоғистон журналистлар съездида ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятлар ташкилотлари конференцияларида тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан муқобил асосда сайланади, сўнг Ўзбекистон ЖУ съездида тасдиқланади.

Ташкилотлар чақириб олиш ва кўпчилик овоз билан янги сайланган бошқарув аъзосини вакил қилиш ҳуқуқига эга.

Уюшма бошқарувининг пленумлари зарурат туғилганда, аммо йилига камида бир марта чақирилади. Бошқарув ўз аъзоларидан камида ярмиси иштирокидагина қарор қабул қилиш ваколатига эга. Қарорлар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

17-банд. Котибият

Котибият бошқарув идорасининг миқдорий таркибини, штатларни, маисаф маошларини, шунингдек, буларга сарф бўладиган харажатлар ҳажмини тасдиқлайди, шошилинч масалаларни ҳал этади ва уюшманинг кундалик ишларига раҳбарлик қилади.

Бошқарув котибияти икки ойда камида бир марта тўпланади.

Бошқарув идораси котибият томонидан ходимларнинг ишчанлиги ва касб малакасига қараб танлов асосида тайинланади.

18-банд. Тафтиш комиссияси

ЖУ тафтиш комиссияси съездлар оралиғида котибият ва унинг идораси ишини, бошқарув, уюшма ташкилотлари ва уларга бўйсунувчи корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиб туради, хатлар билан ишлашнинг ҳолатини текширади.

Тафтиш комиссияси съезд белгилаган миқдорда сайланади.

19-банд. Касб ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгаши

Ўз ишини съезд томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади. Уюшмага аъзо қилиш ва ундан чиқариш билан боғлиқ шикоятномалар билан шуғулланади, журналистларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқади, ҳуқуқ ва бурчга дахлдор баҳсларни, шунингдек, уюшма аъзолари, таҳририятлар, ноширлар ва оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари ўртасидаги бошқа келишмовчиликларни ҳал этади, журналистика ахлоқ-одоби қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ишни кўриб чиқиш учун қабул қилади.

20-банд. Ўзбекистон ЖУдаги мансабдор шахслар

Ўзбекистон ЖУ бошқарувининг раиси, унинг ўринбосарлари ўз вазифаларини мунтазам ado этадилар ва лавозим учун белгиланган маошни олиб турадилар. Улар ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ

21-банд. Ўзбекистон ЖУ юридик шахс сифатида

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси юридик шахс, Ўзбекистон ССЖ Конституцияси доирасида иш юритувчи иқтисодий жиҳатдан мустақил ва сиёсий жиҳатдан дахлсиз тузилмадир. Унинг ҳуқуқий аҳволи «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Уюшма Ўзбекистон журналистларини Давлат мукофотлари ва фахрий унвонларга тавсия этади.

Ўзбекистон ЖУ ўз иоми битилган эмблемаси, доира шаклидаги ва тўртбурчак муҳрига, банкларда ўз ҳисобига эга.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари юридик шахс сифатида жумҳуриятда амал қилиб турган қонунларга биноан ўз мол-мулкига ва ўзининг оммавий ахборот воситаларига эга.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида ташаббус кўрсатиш, шунингдек, матбуот, телевидение ва радио ходимларининг моддий, касбий, ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриш тўғрисида давлат органларига таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари журналистларнинг ноширлар ва оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари олдидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, давлат органлари ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларда конституцион ва парламент йўли билан шу ишни амалга оширади.

22-банд. Ноширлик ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари амалдаги қонунлар асосида хўжалик, ноширлик-иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижодий ташкилот сифатида унинг фаолияти давлат солиғи ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар, таможня божи ҳамда давлат ва маҳаллий бюджетга ўтадиган бошқа хил тўловлардан озод этилади.

Ўзбекистон ЖУ бошланғич ташкилотдан тортиб унинг барча ташкилотлари ўз тасарруфларида хўжалик ҳисобидаги ижодий марказлар ва бирлашмалар, корхоналар, клублар, бирикмалар, реклама агеитликлари, фотостудиялар, ширкатлар ҳамда бошқа хил корхона ва ташкилотлар тузадилар.

Улар рўзномалар, жаридалар нашр этиш, нашриётлар, журналистлар уйлари, кўргазма заллари, дам олиш уйлари ва базалари, пансионатлар очиш, малака ошириш ўқуви, кўргазмалар, жумҳурият ва Бутуниттифоқ миқёсида ижодий тадбирлар ташкил этиш, ширкат уй-жойлар қурилишида пай асосида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ЖУ Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фонди фаолиятига раҳбарлик қилади. Журфоннинг вазифаси журналистларнинг ижодий ва ижтимоий-маиший ҳаёти ва фаолияти шароитларини яхшилаш учун моддий-техник ва молиявий замин яратишдан иборат. Журфонд корхоналар, дам олиш базалари, шифохоналар очади ва уларнинг ишига раҳбарлик қилади, ижтимоий-маиший бинолар, уй-жойлар қуради.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари таъсис этувчилар ва ноширлар билан биргаликда ижодий жамоалар фаолияти, ходимларни ишга тайинлаш ва саралаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш ишлари устидан раҳбарлик қилишда қатнашади, амалдаги қонунлар асосида меҳнат низоларини ҳал қилишда иштирок этади.

23-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг пул маблағлари

Ўзбекистон ЖУнинг пул маблағлари қуйидагилардан ташкил топади:

— уюшмага кириш бадали ва ойлик аъзолик бадалларидан;

— уюшма ва унинг корхона ҳамда ташкилотларининг ноширлик ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидан тушган даромадлардан;

— кўргазмалар, лотерея ўйинлари, кимошди савдоси ва бошқа пуллик тадбирлардан тушган даромадлардан;

— Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фондидан;

— бошқа даромадлардан.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига аъзо бўлиб кирувчилар 30 сўм миқдорида кириш бадалини, сўнг эса ҳар ойда 2 сўмдан аъзолик бадалини тўлайдилар. Ишламайдиган нафақахўрлар ойига 50 тийиндан тўлайдилар.

24-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида фаолият тартиби Устав (Низом) билан белгиланадиган Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фонди ва бошқа махсус фондлар ташкил этилади.

25-банд. Уставни ўзгартириш тартиби

Устав Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси съездининг вакиллар умумий сонининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

26-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фаолиятини тўхтатиш

Ўзбекистон ЖУ ўз фаолиятини съезд қарорига кўра тўхтатиши мумкин. Пул маблағлари ва мол-мулк анэ шу қарорда кўрсатилган органларга топширилади.

27-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг бошқаруви Тошкент шаҳрида жойлашган.

ОЛАМУ ОДАМ
ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БОАГАРИЯ ВАЗИРИ ОГОҲ ЭТДИ

СОФИЯ. (ТАСС). Аҳоли бозор иқтисоднётига ўтиш йўлидаги жиддий қийинчиликларни бошидан кечиришга тайёр бўлмоғи лозим. Болгария жумҳурияти саноат, савдо ва хизматлар вазири Иван Пушкаровнинг Болгария радиоси орқали айтган сўзларидан шундай хулоса чиқариш мумкин.

И. Пушкаров иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш чоғида ҳукумат иш ҳақини, пенсияларни, ижтимоий таъминотни ошириш билан нарх-наво ошишининг ўрнини муайян даражада қоплаш ниятида эканлигини таъкидлади. Бироқ, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ўртача даромадли болгариялик ўз харажатларини ҳарқалай 25—30 фоиз қисқартиришига тўғри келади. Чунончи нарх-навони оширишдан тушадиган маблағнинг катта қисми ижтимоий «ҳимоя тури»ни барпо этишга сарфланади.

Аввало ҳаётий муҳим эҳтиёжларни қондириш тўғрисида ўйлаш зарур, деб ҳисоблайди вазир. «Ҳукумат назорати» остида бўладиган молларнинг 21 тури белгиланди. Уларнинг нархини мумкин бўлган даражадан кўпроқ ошириш тўғрисидаги масала кўндаланг бўлганда жазолончи, мукофиқлаштирувчи воситалар ишга солинади. Нисбатан кучлироқ нарх-наво «зарбаси» автомобилларга, уй-жой қурилишига, дала ҳовлиларга ва бошқаларга тўғри келади.

РАСМИЙ АХБОРОТ

БРАЗЗАВИЛЬ, 8 январь. (ТАСС мухбири). Зоирда ҳеч қандай давлат тўнтариши ҳам, армия олий офицерларини қамоққа олишлар ҳам бўлмаган, дейилади миллий мудофаа, ҳудудий хавфсизлик ва уруш фахрийлари ишлари вазирлигининг сешанба куни бу ерда тарқатилган расмий ахборотида. Зоирдаги ҳозирги мураккаб вазиятда мамлакат қуролли кучлари қасамёдга, Конституцияга ва Президентга содиқ қолмоқдалар, деб таъкидланади ҳужжатда.

Зоир радиоси сешанба куни гўё қамоққа олинган, деб гумон қилинаётган адмирал Ломпонда ва Ботанданинг журналистлар саволларига қайтарган жавобларини ҳам эшиттирди. Адмирал ўзининг «ҳибсга олинганлигини» дўстларидан телефон орқали эшитганини айтди. У барча танишларим озодликда ва армиядаги қамоққа олишлар ҳақида менга ҳеч нарса маълум эмас, деди.

«Радио франс энтернасьональ» ахборотига асосланиб, душанба куни Конго радиоси ўтган йилнинг 19 декабрида Зоирда давлат тўнтаришига уриниш бўлганини ва олий офицерлар қибсга олинганини хабар қилган эди. Зоир вазирлигининг ахборотида бундай баёнотлар «Ёлғон ахборот бериш ва туҳмат кампанияси» деб таърифланади.

Бу чақалоқлар мабодо ўзбек хонадонида туғилганда эди, момоларимиз бешик бошида уларнинг қулоғига Фотима, Зуҳра, Заҳро деб қичқиришган бўлишарди. Аммо улар Таиланд бошкенти Бангкокда таваллуд топишди. Чақалоқларни Меу, Мин ва Мот деб аташди.

Биз ота-боболаримиз тилагидан чекиниб қайга борардик. Уларнинг айтганини такрорлаб қўя қоламиз: илойим, умри билан берсин.

АП-ТАСС телесурати

Ўрта Чирчиқ ноҳиясининг маркази Тўйтепа шаҳрида «Оқсоқол» деб номланган 140 ўринли янги чойхона билан уруш ва меҳнат ветеранлари учун хизмат кўрсатадиган дўкон очилди. Чойхона билан дўконнинг битта бинода жойлашганлиги ветеранларнинг тез-тез кўришиб, фикрлашиб туришларига имкон бермоқда.

СУРАТЛАРДА: чойхона—дўконнинг ташқи томондан кўриниши; ветеранлар бир пиёла чой баҳонасида дийдорлашмоқдалар.

Александр ЗУФАР суратга олган.

Аброр Ҳидоятовни эслаб бўзлаганда

БЕҲУШЛИК

ЭССЕ

«Ахир 27 кун қаторасига қўйилган спектаклни Шекспир ёзиб, Аброр ўйнаган эди-да!»

Ғафур ҒУЛОМ

У ўша куни туш кўрди: кенг ялангликда ўрнатилган катта саҳнада спектакль кўрсатилаётган, у атрофини тумонат одам қоплаган очиқ саҳнада одатдагидек ёниб Ҳамлетни ўйнаётган эмиш; саҳнани чархпалак бўлиб айланаркан, кўзлари олис-олисдан келаётган бир отлиққа тушибди.

Аброр — Ҳамлет гоҳ изтироб, гоҳ нафрат алангасида ёниб саҳнани зир титратган сари отлиқ яқинлашиб келармиш. Қарасаки, оқ тулпорда, оппоқ кийимда бир мўйсафид тўғри келиб томошабинлар сафига қўшилибди. Бир зум кўздан ғойиб бўлибди. Орадан ҳеч дақиқа ўтмасдан, мўйсафид нақд саҳна ёнида кўринибди. То спектакль тугагунга қадар у гоҳ одамлар орасида, гоҳ отда, гоҳ саҳна атрофида пайдо бўлаверибди. Мўйсафидни кўрган сари унинг юрагига аллақандай саросима тушаверибди.

Спектакль тугаши билан томошабинлар уни роса олқишлашибди. Шунда у мўйсафиднинг саҳнада пайдо бўлганини кўриб қолибди. Кўрибди-ю ҳайратдан қотибди. Тоза чеҳра, нуроний қиёфа, кўзлари донишмандона боқиб турган бу қария Шекспир сиймосига жуда-жуда ўхшаб кетаркан. Қўлларини очиб унга пешвоз чиққан экан, у «ташаккур» дея кўздан ғойиб бўлибди...

То кечки спектаклга қадар туши унинг хаёлидан кўтарилмади. Кўз ўнгидан эса мўйсафид нари кетмади. Лекин бу табаррук сиймо чиндан ҳам Шекспирмиди ё бошқамиди — билолмади.

Саҳнада пайдо бўлиш олдидан бир нарсани сезгандек, юраги дукиллаб тез-тез ура бошлади. Бунга парво қилмай, мотам либосидаги Ҳамлет бўлиб, оғир-оғир қадам босиб саҳнага чиқди. Зални гулдурос қарсак овози тутди.

Ўша куни спектакль узлуксиз 27-куни ўйналаётган эди. Шунча кунки у Ҳамлет бўлиб яшайди, Ҳамлет бўлиб изтироб чекади, курашади, Ҳамлет бўлиб «жон» беради. Ҳаётда мудом поклик, ҳақиқат барқарор бўлишини истайди:

Бутун дунё ўзининг ҳаракатида —
Нақадар тўнг, бемаъни ва тўмтоқ экан!
Шунча ифлос ҳамма ёқ! Қоплаб олгандай
Гулистоннинг тупроғини бурган ўтлари.
Нега шундай! Бу ҳолнинг боиси нима!..

Онаси Гертруданинг жирканч ишларидан қаттиқ нафратланади:

Бир ой ўтар-ўтмас-а... Унинг қовоғи
Мунофиқ кўз ёшидан ҳануз қизил-ку!..
Аммо шошиб янги эр қўйнида ётар.
Йўқ! Бу шундай кудрки, оқибати бад!
Тишни тишга босайин!
Парчалан, эй дил!

Дилни парчалаш Ҳамлет — Ҳидоятов учун енгил кўчмайди. Ҳақиқат излаган дилнинг қанчалик машаққатлар билан парчаланишини у шу қадар табиий ижро этадики, бу спектаклни кўрган томошабинларнинг ҳам юраклари парча-парча бўлиб кетгандир. Юрагини парчалай олганлар чинакам инсонлардир.

Бу ҳодисани саҳнада бир неча бор кўрган ва юрагида ҳамиша парчаланиш ҳолатини ҳис қилган режиссёр Жавод Обидов ёзган эди: «Аброр одамга ҳамла қилган шер сингари югуриб аркнинг ўртасига келади, аркнинг деворларига суяниб, кўзини юмиб, зўр диққат билан арвоҳнинг сўзларини тинглайди. У бу онда ўзини йўқотиб қўйган, яраланган йўлбарс сингари ҳар замонда ёввойи овозлар чиқаради. Арвоҳ отасини ўлдирган одам унинг тожини кийиб ўлтирганидан хабар беради. Ҳамлет ҳаяжонли, айни замонда нафрат аралаш «А, менинг надомат соҳиби кўнглим! Амаким!» деган сўзни узилган ўқ сингари кучли қилиб айтади».

Спектакль давомида ҳам тушида кўрган оқ либосли қария бод-бод кўз ўнгида намоён бўлаверди. Гўё ҳозир ҳам у залда ўтиргандай бир сесканиб тушди... У 26 кун давомида Ҳамлетни қанчалар ёниб, шижоат билан ижро этган бўлса, 27-куни ҳам худди шундай тенгсиз эҳтирос билан ўйнаётган эди. Йўқ, у саҳнада эмас, гўё ҳаётда Ҳамлет бўлиб курашаётганди.

...Ваҳоланки ўша бир парча тупроқда
Тирикларга жой етмас, ўликларга гўр.
Бундан буён қоиларга чулғаи, эй фикрим,
Ё қаҳр ила яшагин, ё ҳеч яшама!

Айнан шундай кўринишларни ижро этган дақиқаларда у саҳнада эканлигини батамом унутади. Бунга фақат яратилган образнинг ички оламига кира олган ва ўз-ўзидан ҳақиқий қаҳрамонга айланган актёргина мушарраф бўлади.

Аброр Ҳидоятов — саҳнага сиғмаган буюк истеъдод соҳиби. Унинг идроки, эҳтирослари, куйиб-ёнишлари олдида саҳна ғариб бир нуқтага айланиб қоларди. У эса ўша нуқтада туриб томошабинни ҳайратга соларди. Одамлар унинг спектаклларига дарё-дарё бўлиб оқиб келишарди. Буни ўзи кўриб, гувоҳи бўлган атоқли шоир Ғафур Ғулом ёзган эди:

«Аброр Ҳамлетни шу даража маҳорат билан ўйнадики, уни кўриш учун бутун Ўзбекистондан, Тожикистондан, юзларча километр узоқликдаги шаҳарларимиздан: Хўжанддан, Қўқондан, Андижондан, Наманагандан, Бухородан фақатгина бир спектаклни, бизнинг Ҳамлетни —Аброрни кўриш учун ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, якка ва жамоа суратда оқиб келар эдилар. Театр залида ўрин оз, ўрин бўлмай қолганда ҳафталаб навбат кутган томошабинлар бўлган».

Ўша, 27-куни ҳам томошабинлар турли вилоятлардан келишган эди. Патта тополмай театр ортида қолганлар эса беҳисоб.

Очиғи, уни ҳаётда ва саҳнада ўз кўзлари билан кўрганлар бахтлидирлар. Спектаклларини ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилганларнинг қалбида унинг сурвати бор. Томошабин кўксида ўз сиймоларини қолдирган жаҳонга машҳур, тенгсиз санъаткорлар каби Аброр Ҳидоятов ижоди ҳам мангулик муҳри билан тақдирланган.

Буюк саҳна саркардасини ҳар бир авлод ўзича кашф этади, ўзича ҳайрат бармоғини тишлайди.

Ўша Ҳамлетнинг 27-кунги ижросини кўрган томошабинларнинг ҳайратда қолганликларига асло шубҳа йўқ. Лекин улар бундан ҳам ҳайратлироқ воқеанинг гувоҳи бўлишди. «Халқнинг театрга бўлган бундай қизиқиши бизни беҳад қувонтирди. Бироқ Ҳамлет кечинмалари, ҳис-туйғулари, тенгсиз кураши тўлқинлари менга оғир таъсир қилиб, 27-куни саҳнада беҳуш йиқилдим...» (Аброр Ҳидоятов, «Таржимаи ҳолимдан айрим лавҳалар»дан).

Беҳушлик!.. Ў, беҳушлик лаззати! У умрида руҳан бу қадар роҳат қилмаган эди. Беҳушлик — роҳатларнинг роҳати, покланишнинг олий нуқтаси. Эҳтимол, «бу жунуншиор Муҳаммаднинг сув тўлатилган кўзаси ерга тушиб, лекин ичидаги суви ерга тўкилиб улгурмаган, лекин Муҳаммад худонинг бутун манзил-маобларини кўздан кечириб чиқишга улгурган бирон он бўлса керак». (Ф. М. Достоевский).

Эсида, беҳушлик дақиқалари бошлангандаёқ кўзи олдида тушида кўрган оқ тулпор минган мўйсафид пайдо бўлиб, уни саҳнадан даст кўтариб тулпорга мингазди-ю аллақаёқларга олиб кетди. От юриб кетаяптими ё учиб бораяптими — у англаб етмади. Дилида Ҳамлетнинг «Ё раббим! Мени ёмон тушларнинг азобидан қутқазинг-да, бир ёнғоқ пўчоғининг ичига банд қилинг. Мен у ерда ўзимни бепоён оламнинг султони деб санаган бўлар эдим!», деган сўзларини тез-тез такрорларди. Сўнг олам каттакон ёнғоқ пўчоғига айланди. Улар ҳам ана шу улкан пўчоқнинг ичида қолиб кетишди. Бу шундай улуғвор олам эдики, унда руҳлардан бошқа ҳукмрон йўқ эди. Кейин нималар бўлганини билмайди... Кейинчалик бу сирли ҳодисанинг илдизларини билишга, беҳушлик онларида нималар рўй берганини англаб етишга кўп бор уринди...

«Орадан бир неча кун ўтгач кўзимни очиб, мен ўзимни Москва Кремли касалхонасида кўрдим. Билишимча, мени Тошкентдан Москвага самолётда олиб келишибди... 1932 йил ёзида соғлом гавдада Тошкентга қайтиб, жонажон театрга кириб бордим ва мен учун азиз саҳна арқонини яна маҳкам ушладим», деб ёзган эди у.

Аброр Ҳидоятовнинг саҳнага сиғмаган улкан истеъдод соҳиби эканлигини яна бир ўлмас образ — Отеллонинг ўзига хос талқини ҳам исботлаб турибди. Отелло уни жаҳоний шон-шуҳратга буркади. Ўзи эътироф этганидек, бу сиймода ҳаётда кўрганлари, одамларда учратгани «доно ақл, соф муҳаббат, кучли эҳтирос сингари фазилатларни мужассамлаштиришга» эришди. Энг соф, олийжаноб, юраклари тоза инсонлар ҳаётда кўп адашадилар. Агар бундайлар юксак муҳаббат эгалари бўлсалар, бисёр хато қиладилар. Фожиалар азбаройи ишонувчанликдан келиб чиқади. Отеллодек юксак шахс ҳам алдовнинг, алдов туфайли ишончнинг қурбони бўлади.

«Аброр Ҳидоятов Отеллода кўр бир рашкчи эмас, балки ўз идеали ва туйғуларидан алданган олийжаноб маврни бера олгандир». (Мақсуд Шайхзода).

Ишқ алангасида батамом ёнган Отелло ўзи сезмаган ҳолда ҳийлакор Ягонинг найранг тузоғига илиниб қолади. «Мен биламан, кўп донишманд одамсан, Яго» дея унга нисбатан яна ишончи ортади, унинг сўзларига кўпроқ ишонади. Дездемонанинг: «Бир гуноҳим — у ҳам сизга ишқимдир, холос» деган сўзларига эса асло ишонмайди. Унинг ўтли муҳаббатига шубҳа билан қарайди. Қора маврнинг аъзойи баданида рашк олови аланга олади, вужудини қовжиратади. Аброр Ҳидоятов — Отеллодаги рашк қалб жароҳатига айланади. Бу жароҳатни даволайдиган малҳам эса топилмайди. Аксинча, хаста юракни Яго қайта-қайта «даволайди». Бундан дарғазаб Отелло рашк исканжасидан қутулиш учун бегуноҳ, покиза Дездемонани бўғади. Барча сирлар ошкор бўлиб, ўзининг ҳақиқатан алданганини билган Отелло: «Уҳ, мен тентакмен!» дейди ва ўзига ўзи ханжар уради:

Ўпиб туриб қилган эдим мен сени ҳалок,
Энг охири ўпиб жон берамаи пок.

Ҳа, Аброр Ҳидоятов қаҳрамонининг пок ҳисларини томошабин қалбига яна ҳам поклигича етказиб бера олган ва чин муҳаббатнинг борлигига ишонтиролган бетакрор саҳна юлдузидир. Отеллонинг «Қораменми, мен!» монологини эсланг. Ҳидоятовнинг биргина чўзиб-чўзиб бутун вужуди билан инграши, чексиз дард билан сўзлаши юракларни ларзага солади. Шунда унинг саҳнага сиғмаётганини ҳис қиласиз ва беихтиёр унга қўшилиб «инграй бошлайсиз». У каби юрагингизда даҳшатли оғриқ сезасиз. Оғриқ эса бўғизда дардли инграшга айланади. Шунда вужудингизда ногирон бир қушча чарх ура бошлайди...

У ҳар сафар саҳнага энг севимли сиймоси — Отелло сифатида чиқар экан, нуқул беҳуш бўлишни орзу қиларди. Яна руҳлар билан учрашишни истарди. Лекин муродига етолмади. У бу гал кўпроқ томошабинларни беҳуш қилди, ҳайрат ва ҳаяжон дунёсига олиб кирди. Шундай ҳаяжонли онларни кўп кўрган санъаткорнинг ўғли Гога Ҳидоятов бундай хотирлайди: «1945 йилдан 1958 йилгача саҳнада 500 марта ўйналган. Демак, адам 500 кеча буюк қалб эгаси — Отеллонинг ҳаёти, ўй-хаёллари, изтироблари билан яшаган!.. «Отелло»ни томоша қилганимда ҳамиша қўрқиб ўтирардим. Шу бугун бирор нарса бўлиб қолмаса, адамнинг юраклари ёрилиб кетмаса деб...»

Аброр Ҳидоятовнинг юраги гоҳ Рустам, гоҳ Мажнун, гоҳ Ҳамлет, гоҳ Ғофир, гоҳ Темур Малик, гоҳ Навоий бўлиб саҳналарни ҳамиша титроққа солган. Унинг юрак алангасига саҳналар ҳам бардош беролмаган. Чунки унинг юраги ҳам саҳнага сиғмаган. Бу учун фақат Аброр Ҳидоятов бўлиб туғилиш ва унингдек ҳаётда, саҳнада ёниб яшаш керак. Ёниш — яратиш, ёниш — ҳайратда қолдириш. У барча даврлардаги актёрлар учун доимо ҳайрат мактаби бўлиб қолади.

50-йиллардан сўнг туғилганлар бу улуғ санъаткорни кўрмаганлар. У ижро этган айрим саҳна асарларини радио орқали онда-сонда эшитадилар, холос. Телевиденеда баъзан «Отелло»дан ёзиб олинган кичик парчалар намойиш этилади. Шунисига ҳам шукр қиласан. Ваҳоланки, ўша даврлардаги қанча-қанча кераксиз воқеалар, ўртамиёна асарлар, сафсатабозларнинг нутқлари лентаҳларга туширилган. Аммо «Отелло», «Ҳамлет» ва ҳатто «Алишер Навоий»ни ёзиб олиш учун лента сабил топилмаган. Ёзувчи акамиз ёзганидек, «кечга қолиб юрамиз». Ва афсус-надомат чекишни яхши кўрамиз. Олдин истеъдодни ўлдириб, кейин уввос соламиз.

Бу жамиятда буюк истеъдодлар қадр топмайдилар. Бундай қора кунлар Аброр Ҳидоятов тақдирида ҳам бор экан. У киши ҳам бир тўда истеъдодсизлар зуғумига учради. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ўша даврда ҳам ҳукм сурган ашаддий гуруҳбозлик исканжасида қолди. Тўнкасифат киши ғийбатга, ҳасадга ўч бўлади. Жиндай иқтидорни истеъдоднинг қадамини пойлаш билан ўтказади шўрлик. Ўша даврда ҳам театрда бундайлар кўп эдилар. Ўтган қора кунлар ҳақида Аброр Ҳидоятов ёзган эди: «1949 йил сентябрида Фарғона курортидан қайтиб келдим. Беш кундан кейин театрда партия мажлиси бўлиб, унда дирекция менга «Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсия» берилиши муносабати билан театр штатидан бўшатилганимни маълум қилди. Мен ҳайрон қолдим. Ахир мен пенсияни ариза бериб олмадим-ку... Менга пенсия тайинланганда штатдан ўчирилсин, деган буйруқ берилмаган-ку?! Қўйинглар, ўртоқлар! Мен ишсиз зерикаман, мен жонажон театрим, коллективим ичида овуниб юрибман, ишлаш учун 10—15 йиллик қувватим бор, соғлиғим ҳам яхши, ақли-ҳушим жойида, дедим. Бироқ мени штатдан бўшатдилар...»

Бу аламли сўзларни шарҳлашга ҳожат йўқ. Лекин катта истеъдод эгасига нисбатан кўролмаслик бўлгани, ғаламислик ишлатилгани аниқ. Шундай қилиб, қатағон йилларда эмас, тинчлик-осойишталик, тўкинлик даврида маданиятимизнинг яна бир ёрқин юлдузи эрта сўнди... Саҳналар ғариб бўлиб қолди...

«Саҳна — масжиддан муқаддас жой. Бу ерда ишлаш қийин. Шунинг учун астойдил меҳнат қилиш керак. Севиш керак. Юрагингни, меҳрингни, ҳаётда топган-тутганингни ташлайсан, оласан!»

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти соҳиби Аброр Ҳидоятов ўзининг бу доно сўзларига бир умр содиқ қолди. У ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам худди шундай яшади. Шу кунларда 90 йиллиги кенг нишонланаётган бу улуғ инсон ва актёр хотираси олдида таъзим қиламиз, унинг руҳи доимо шод бўлиши учун дуога қўл очамиз.

Ашурали ЖЎРА.

ХУШХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Қорақалпоғистоннинг «Ленинград» давлат хўжалиги дўконида мол гўшти бозор нархидан икки баравар арзон сотилмоқда. Дўконга хўжалик чорвачилик фермасининг ортиқча маҳсулоти чиқарилмоқда. Хўжалик ходимлари давлат буюртмасини муддатидан илгари бажариб, энг аввало меҳнаткашларни гўшт билан таъминлашга қарор қилдилар. Ўтган йили совхозда иккита чўчқачилик фермаси ташкил этилганлиги гўшт тайёрлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш имконини берди. Ижарачиларга берилган ана шу фермалар тезда ўзларини мустаҳкамлаб олиб, хўжаликда етиштирилган йиллик гўшт ҳажмининг ярмини қоплади.

●

Фарғона вилоятининг Тошлоқ ноҳиясидаги М. Горький номли жамоа хўжалиги соғувчилари ўз қарамоғидаги сигирлардан ҳар куни 10—11 килограмм сут соғиб олмоқдалар. Технологияларга пухта риоя этилиши ва мўл-кўл ем-хашак ғамланганлиги учун совуқ кунлар ҳам ўз таъсирини ўтказмаяпти. Жониворлар озуқасига витаминлар, турли қўшимча моддалар қўшиб берилмоқда. Ферма ходимлари ўтган йили сут топшириш режасини муддатидан илгари бажардилар. Чорвадорлар янги мавсумда ҳар бир сигирдан камида 3500 килограмм сут соғиб олиб, ўз кўрсаткичларини яхшилашга қарор қилдилар.

●

Беруний ноҳиясидаги «Правда» жамоа хўжалигида одатдан ташқари шартнома кучга кирди. Шартнома хўжалик бошқаруви билан Ислом Ҳайтанов ўртасида тузилди. Ҳайтанов хўжаликка мевали дарахт кўчатлари етказиб беришга қарор қилди. У ишдан бўш вақтида ташландиқ ерларда кўчатзор барпо этди. Шу йилнинг ўзидаёқ хўжалик ижарачидан 50 минг туп кўчат олиши керак. Келгуси йилда эса бу рақам икки баравар кўпаяди. Ҳайтановлар оиласи ортиқча кўчатларни Қорақалпоғистоннинг бошқа колхоз ва совхозларига етказиб бердилар.

●

Боёвут ноҳиясининг маркази — Димитровское посёлкасида нон заводи ишга туширилди. Ҳар кеча-кундузда корхона цехларида салкам 26 тонна турли нон маҳсулотлари тайёрланади. Завод «Узкоопстроймонтаж»нинг Сирдарё ноҳиясидаги механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси кейинги вақтда фойдаланишга топширган иншоотларнинг биридир. Сирдарё шаҳрида савдо маркази, Бахт шаҳрида чойхона, бошқа ишлаб чиқариш ва маиший бинолар ҳам ишга туширилди. Уларнинг ҳаммаси аниқ белгиланган муддатда ва сифатли қилиб топширилди.

●

Самарқанд вилоятининг Ўроқли қишлоғига асфальт йўл ёткизилди. Вилоят марказидан қишлоққа автобус қатнай бошлади. Янги йўл яна тўртта посёлкани ўзаро боғлади. Ана шу ишларни, шунингдек уй-жойлар ва ижтимоий, маданий-маиший иншоотларни қуриш харажатларини мазкур аҳоли пунктлари жойлашган «Жомбой» давлат хўжалиги ўз зиммасига олди.

●

Қувадаги 44-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти янги касбдаги мутахассисларни тайёрлай бошлади. Бу ерда ноҳияда ташкил этиладиган фабрика учун қандолатчилар тайёрланади. Фабрикада ишлаш учун теварак-атрофдаги қишлоқлардан малакали ходимлар юборилади. Билим юртида илгаригидек қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик саноатининг турли тармоқлари учун ҳам мутахассислар тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

УЮШМА ИШ БОШЛАДИ

Сирдарё вилоятида эндигина ташкил топган шахсий томорқа хўжаликлари эгалари уюшмаси ўз фаолиятини қишлоқ Кенгашлари ҳузурида зооветеринария пунктлари очишдан бошлади. Бу пунктлар уй фермаларида боқилаётган молларни ўз оталиғига олади. Ҳозирга қадар шахсий томорқалардаги жониворлар амалда ветеринария назоратисиз қолаётган эди.

Қишлоқ Кенгашлари ҳузурида ихтисослашган ем-хашак дўконлари ҳам очилмоқда. Бу ерда Оқолтин дон маҳсулотлари комбинатининг ҳамда Гулистон ёғ-экстракция заводининг чиқиндилари сотилади.

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси билан шартнома имзоланди. Шартномага кўра унинг бўлинмалари қишлоқлар аҳолисига камида 6 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатади, шу жумладан транспорт ва техника беради, уюшма фермерларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрловчилар, суачилар ва бошқа шериклар билан ўзаро муносабатларини тартибга солишда ҳам ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Москов автомеханика институти мутахассислари янги транспорт воситаси кашф қилдилар. Улари яратган конденсаторли электромобилни «Экомобил» деб атадилар. Бу кашфиёт билан кўпгина корхоналар қатори Ярославль электромашинасозлик заводи ҳам қизиқиб қолди. Эҳтимол, «Экомобил»ни оммавий ишлаб чиқаришга яқин орада оқ фотиҳа берилар.

СУРАТДА: янги кашфиёт — «Экомобил»лар.

ТАСС фотосурати

СОТИБ ОЛДИЛАР

КОСТРОВО (Калининград вилояти). «Прозоровский» мўйначилик давлат хўжалигининг ишчилари вилоятда биринчи бўлиб халқ деҳқончилик фирмасини сотиб олдилар. Улар хўжаликни бошқаришда тўла мустақилликка эришиб, шартнома асосида корхонага раҳбарлик қиладиган бошқарув штатини ёлладилар. Хўжалик ходимлари орадан уч йил ўтгач, ўзлари олган қарзни тўлаганларидан кейин хусусийлаштириш нафини ҳис этадилар. Шундан кейин улар ўзлари тўлаган пай бадалига қараб иш ҳақига қўшимча фойда оладилар. Жамоанинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга каттагина маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.

САЙҒОҚЛАР МАДАДГА МУҲТОЖ

АШХОБОД. Туркманистон шимолини шу кунларда сайғоқлар босди. Катта-катта сайғоқ подалари совуқдан қочиб, яшаб турган дастлабки жойларини ташлаб ва Ўз Уст-Юрт ясси тоғи орқали юзлаб километр масофани босиб ўтиб, Тошҳовуз вилоятига келди. Аҳолининг гувоҳлик беришича, совуқ ва очлик жониворларни ҳатто қишлоқларга, атрофдаги ҳонлиларга киришга мажбур этмоқда. Маҳаллий хўжаликларнинг ходимлари жониворларни сақлаб қолиш учун кўп куч-ғайрат сарфлашлари керак бўлади. Бунда гап фақат озуқа қидириб топиш ва уни сайғоқлар энг кўп тўпланган жойларга етказиб беришдангина иборат эмас. Афсуски, баъзилар қийин аҳволга тушиб қолган жониворларни овлашдан ўзларини тиймаяпти. Шунинг учун ҳам сайғоқларни кечаю кундуз қўриқлашга тўғри келмоқда. Бу ишга жамоатчилик, милиция жалб этилмоқда.

МУКОФОТНИ ҚРИМ ТАЪСИС ЭТДИ

СИМФЕРОПОЛЬ. Украина маданият фондининг Қрим бўлими ҳаёти Қрим билан боғлиқ бўлган атоқли олимлар, санъат арбоблари номидаги мукофотларни таъсис этди. Биринчи навбатда ярим оролда яшовчи турли этник гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи миллий жамиятлар номзодларни кўрсатишга ҳақлидирлар.

ЛИТВА АҲОЛИСИ НОРОЗИ

ВИЛЬНЮС, 8 январь. (ТАСС мухбири). Энг аввало нарх-навонинг оширилишига қараши, шунингдек жумҳурият парламенти ва спёсатига қарши норозилик билдираётган халқ бугун эрталабдан Литва Олий Кенгаши раёсати биноси олдидаги майдонни тўлдирди.

Бундай вазиятда парламент ҳатто янгидан бошланган сессия кун тартибини тасдиқламай, 7 январь куни жорий этилган озиқ-овқат маҳсулотлари чакана нархлари оширилишини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди.

Чамаси, бино олдидаги вазиятдан ташвишга тушиб қолган Олий Кенгаш раиси В. Ландсбергис жумҳурият радиоси орқали гапириб, Литва аҳолисини «ўз ҳокимиятини ҳимоя қилишга» чақирди.

Депутат илтимосига кўра

ХАСТА ДИЛГА ТАСКИН

Ҳурматли бош муҳаррир!

Сирдарё вилояти Комсомол районидаги «Ленинград» давлат хўжалигида йигирма олти баҳорни нишонлаган Соттибоев Шукрулло исмли ногирон йигит истиқомат қилади. Иккала оёғи шол бўлишига қарамай иродасини мустаҳкам тутишга, китоблардан тасалли излашга интилади, шеърхонликдан ҳам ўз дардларига дармон қидиради.

Янги, 1991 йил билан табриклаш, танишиб, дардлашиб келиш учун бориб, Шукруллонинг орзуларига шерик бўлиб қайтдим. У бериб юборган 3—4 шеърнинг «Халқ сўзи»да чоп этилишини илтимос қилганини Сизга етказишни бурчим деб биламан ва шу ашъорларнинг ҳеч бўлмаса айримлари рўзномангиз саҳифасида чиқишининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтиришни ортиқча деб ҳисоблайман.

Ҳамза ЭШНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати.

ЎКСИНИШ

Қалдирғочнинг бир тўп полапонлари
Катта ҳаётга қадам қўйди, учди.
Биргина полапон учолмади, оҳ,
Қаноти синган, фақат ғамни қучди.

Ҳа, ўшал полапон менман, азизлар,
Учолмадим мен, лек ташлаб кетмади
Менинг жондан азиз акажонларим.
Шундан тонгларим ҳеч унсиз отмади.

СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Азалий ҳужумкор ўйинниг кўриб,
Умидим равшанроқ энди, «Пахтакор».
Йил бўйи тер тўкиб мақсадга етдинг,
Зафаринг муборак энди, «Пахтакор».

Мағрурдир барчанинг бугун бошлари,
Сен томон ошиқар, қўлларида гул.
Кўзимдан оқади севинч ёшлари,
Боиси — бу куни кутдим олти йил.

Энди кучлилар-ла мардона тўп сур,
Умидимиз катта сендан, «Пахтакор».
Оқаверсин севинч ёшлари кўздан
Эришган ғалабанг олқишлаб минг бор.

ТЎРТЛИК

Ҳар куни хаёлим бўлиб паришон,
Кенг кўчада кетиб бораман ёлғиз.
Гоҳ кундуз, гоҳ тунда кезсам ҳам,
лекин
Йўлимда учрамас мен кутган ул қиз.

Шукрулло МАТВАЛИ ўғли.

Аждодларимизнинг Шарқ мамлакатлари халқлари билан иқтисодий, маданий алоқалари тарихи минг йиллардан ортиқ. Тошкент шаҳридаги 22-мактаб ўқувчилари ҳам бу анъанани давом эттирмоқдалар.

Суратда юқори синф қизлари араб мамлакатларидаги дўстларидан келган китоблар, ойномалар билан танишаётган лаҳзалар акс этган.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

АЖОЙИБ ДУНЁ

Одимловчи «ойнаи жаҳон»

ЯПОНИЯНИНГ «СОНИ» корпорацияси америкалик талабалар ўртасида келажак «ойнаи жаҳони» қандай бўлади, деб ўтказган танловида дизайнер Брайан Эллиот ғолиб чиққан. Эллиот ҳакамларга «ойнаи жаҳон»ни эмас, балки «Энниман» деб номланган телероботни тавсия қилган. Бу гибрид эгасининг ортидан худди итдек эргашиб юради, мабодо қувноқ куй ижро этилаётган бўлса, рақсга тушиб қўяди. «Энниман» видеокамерасининг марҳамати туфайли қоровул ўрнида ҳам хизмат қила олади. У сал шубҳали нарсани сезса, «Ўғрини ушланглар» деб ҳаммаёққа жар солади.

Энг қулай жавоб

ФРАНЦИЯНИНГ «Пари суар» рўзномаси «Агар Луврда ёнгин содир бўлса, сиз у ердан аввало қайси асарни олиб чиқардингиз» деган савол-жавоб эълон қилган. «Чиқиш жойига энг яқин бўлганини», деб жавоб қайтарган Шарль Монтанель деган киши ғолиб топилиб, биринчи мукофотни олган.

Одамларнинг бўйи ўсмоқда

ЎРТА АСРЛАРДА эркакларнинг бўйи ўртача 167 сантиметрни ташкил қилган бўлса, бизнинг кунимизга келиб бу рақам ўн сантиметрга ортган. Аёлларнинг бўйлари ҳам деярли шунча ўсган. Дарвоқе, кўпгина мамлакатларда манекенша сифатида ишлашни хоҳловчи аёллар учун уларнинг бўйлари 170 сантиметр бўлиши қатъий қилиб белгилаб қўйилган.

Балиқлар ҳам йиғлашади

АМРИҚОЛИК БИОХИМИКЛАР дарё сувлари қай даражада ифлосланганлигини у ерда яшаётган балиқлар чиқараётган товуш орқали аниқлашни таклиф қилмоқдалар. Олимларнинг айтишларича, суви ифлосланган дарёда яшаётган балиқлар «йўталишар» ва «ҳиқ-ҳиқ» деб йиғлашар экан. Одамлар айби билан йиғлаётган балиқларни эса биз эшитмас эканмиз.

Кам-кўстсиз мантиқ

Ўқувчисининг ўта маҳмадоналигидан дарғазаб бўлган Америкодаги мактаблардан бирининг ўқитувчиси унга мураккаб савол бериб тилини қисиб қўймоқчи бўлди:

— Агар сен шу даражада билағон бўлсанг, айт-чи, Одамато билан Момоҳаво жаннатдан қайси куни қувилишган?

Ўқувчи дарҳол жавоб қайтарган:

— Аниқ кунини айтолмайману, лекин бу октябрь ойининг ўрталарида бўлган.

Ўқитувчи шошиб қолиб:

— Нега бундай қарорга келдинг?

— Жуда оддий: энг ширин олмалар шу пайтга келиб пишади. Октябрнинг охирларида эса дарахтларда мева деярли қолмайди.

„ЎЗИ УЧУН ИШЛАГАН ОДАМ ЧАРЧАМАЙДИ“

дейди амриқолик ҳамюртимиз Амир ҚАРШИЕВ

«Тақдирни қўл билан яратур инсон» деган гапни такрорламаган одам қолмади.

Эдип тақдиридан қочиб, туғилган юртини тарк этди. Аммо башорат қилинган тақдир уни ўзга юртларда кутиб олди.

Пушкиннинг дуэлидан шоҳнинг хабари бор эди.

Бухорига бир фолчи «Сени отиб ўлдиришади» деганида у роса кулганди. У коммунист бўлганлиги учун ҳам ҳалиги фолчининг башоратига ишонмади. Уни отишди. Эдип эса фолчининг башоратига ИШОНГАНЛИГИ учун ҳам юртини тарк этди. У отасининг қотили, волидасининг таи маҳрами бўлмаслик учун ҳам шундай қилди. Аммо тақдирдан қочиб қутила олмади.

Бас шундоқ экан, Пушкиннинг ўлимида Дантеснинг нима айби бор!

Бир куни отаси унга: «Биз ажралишиб кетамиз!» деди. Сўнг бу гапини тушунтирди: «Туш кўрдим. Сен тоғнинг у ёғида эмишсан. Мен бу ёғида. Ўртада катта тоғ. Аммо бирбиримизни кўриб турибмиз. Менинг гапимни сен эшитмайсан, сеникини — мен. Бу — некликка эмас».

Гурунгда индамай ўтирган аравакаш бундай деди: «Иккovларингиздан бировингиз ўлсаларингиз керак». Ота айтди: «Йўқ, ўлмаймиз — тирик ажралишиб кетамиз».

— Ўшанда мен ўн тўрт ёшимда эдим, — дейди Амир Қаршиев.

Демак бу воқеа бир минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йилда бўлган.

* * *

Ўттиз тўққизинчи йилнинг тиромосида уни армияга олишди.

Болтиқ бўйида содир бўлган сиёсий воқеаларга тўққизинчи армия аралашмоғи керак эди. «Душман жанг қилмасдан таслим бўлди» деганларидан сўнг армия яна Қримга қайтди. Қайтар чоғи Амир қаттиқ шамоллади. Икки ой Қримда даволангандан сўнг бир ой уйга ижозат бердилар.

Қайтар чоғи отаси: «Бир йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади, амакингнинг қизини фотиҳа қилиб қўяйлик» деди. Амир индамади.

* * *

Қирқ биринчи йилнинг ўша йигирма иккинчи июнида Амир навбатчи эди. Тонготарда қисмга бир генерал келди ва деди:

«Бу тревога оддий бўлмайди».

Қисм оёққа турди.

Уруш бошланган эди.

* * *

Ҳушига келиб кўзини очганида биринчи кўргани — милтиқнинг мили. Бундай пайтда қўлларинг темирдан бўлса ҳам ўз-ўзидан кўтарилиб кетади.

* * *

Тутқинлик бир йилга етмади.

«Кўп асирлар қийноқдан эмас, очликдан ўлиб кетишди. Чехларнинг, полякларнинг орқасида қариндошлари боришар эди. Уларнинг ортидан папирос, озиқ келарди. Улар эса ўзларининг сарқитини бизга — шўро аскарларига беришарди. Чунки немисларнинг бизга тарқатадиган овқати йўқ эди».

Ўша йили Тангистепага хат келди: «Ўғлингиз Амир Қаршиев бедарак йўқолди».

Эллик етти яшар Қарши Маматмуродов элга худойи берди.

* * *

Қирқ иккинчи йилдан қирқ бешинчи йилгача Амир Қаршиев Австриядаги бадавлат бир одамнинг қўлида деҳқончилик қилди. Ўша киши пухта экан — кунига беш маҳал овқат берарди. Қорни тўқнинг иши унумли бўлишини билар экан.

Уруш тугагандан сўнг Амир Қаршиев Тангистепага қайтиши мумкин эди. Тўғрироғи, шундай имконият бор эди. Ўзининг айтишича, буига икки омил монеълик қилган. Биринчиси: Амир Қаршиев урушдан илгари олтинчи совхозда аравакаш эди. Меҳнатига пул эмас, фақат «Трудоден» олган. «Менга бошқа труд-ден керак эмас!» Иккинчиси: «Кимки биз билан эмас — у бизнинг душманимиздир!» Амир Қаршиевнинг айтишича, бу — Сталиннинг буйруғи экан. Ватанга қайтиш — ўз ихтиёри билан ўлимга бориш эди. Амир Қаршиев ҲАЁТни танлади.

* * *

У яна ўн йил Австрияда қолиб кетди.

Эллик олтинчи йилга келиб бу ерда аҳвол ўзгарди. Кўплар қатори бу мамлакатни тарк этишдан ўзга чораси қолмади. Аммо орқага йўл йўқ эди. Етти кун деганда ҳарбий кема уларни океандан олиб ўтди. Нью-Йорк!

* * *

Шу йил Тангистепада (ҳозирги Олтинсой районни) Қарши бобонинг аҳволи оғирлашиб қолди. Жон таслим қилаётган ота «Амир қани? Амир қани!» деди. Шунда ўгай укаси (Қарши бобо Амирнинг онаси қазо қилгандан сўнг ҳам икки марта рўзғор қилди) нима деярини билмай: «Амир Америкада!» деди.

Қарши бобо иняк қоқди.

Ука ҳалиги гапни Амирнинг ҳақиқатан ҳам Америкада эканлигини билганлиги учун эмас, Америкага бориб ҳам, у ёқдан келиб ҳам бўлмаслиги учун айтган эди. Ҳарқалай ота ўғлининг Америкада эканлигини билиб кўз юмди. Қарши бобо Амирнинг тириклигини, дунёнинг қаерларидадир юрганлигини СЕЗГАН. Бўлмаса, қирқ биринчи йили унинг худойисини берган эди-ку! Шундоқ бўлса ҳам жон ҳалқумга келганда Амирнинг қаердалигини сўради. Демак, ўттиз тўртинчи йилдаги туши... Ҳамма бало шундаки, ўша рост бўлиб чиқди. Буни фақат Қарши бобо билмади. Қаранг, ўшанда айтган эди: «Йўқ, биз тирик ажралиб кетамиз!» Амир отасининг бу гапларини кейин ҳам кўп эслади ва доим «Отам авлиё экан» деб юрди.

* * *

— Сиз Америкага борган йилингиз отангиз қазо қилган эканлар. Бу сизга АЁН бўлдими?

— Билмайман, ҳозир эсимда йўқ.

— Отангиз, укаларингиз тушингизга кирармиди?

— О-о, бўлмасам-чи!

* * *

У Америкага борганда ўттиз еттига кирган, аммо рўзғор қилмаган эди. Ўрис муҳожирларнинг даврасида уни Анна исмли аёл билан таништириб қўйишди. Анна асли Ленинград атрофидан бўлиб, у истиқомат қиладиган қишлоқ немислар томонидан босиб олингандан сўнг ишлатиш учун Германияга олиб кетилган. Урушдан кейинги йиллари улоқиб Америкага бориб қолган.

«Уйлансам шу ерларда қолиб кетаман. У ёқда менга амакимнинг қизини фотиҳа қилиб қўйишган».

«Ҳали туғилган юртингга қайтмоқни хаёл қилаяпсанми? Энди у ёқларни тушингда кўрасан. Ўртада океан турибди. Бундан ташқари...»

Амир Қаршиев Аннага уйланди.

У урушдан илгари қандайдир механизаторлик курсини битирган эди. Филадельфия штатидаги бир заводга ишга кирди. Корхона шу даражада катта эдики, ҳовлисида бемалол поезд юрарди. Амир Қаршиев ана шу поезднинг паровозларини ҳайдади.

Йигирма етти йил ана шу корхонада ишлади. Аннадан бир ўғил ва бир қиз кўрди. Ҳозир Мариэн йигирма учда, Степан эса ўттиз учда. Анна саксон тўртинчи йили қазо қилди.

— Ўғлингизнинг отини Темур қўймабсиз-да?

— О-о, зўр бўлар эди! Онаси менинг айтганим бўлади, деди.

* * *

Тангистепада тўй бўлиб, кўпкари чопилаётган эди. Шу кўпкарида почтачи Турсунбойга (Амир Қаршиевнинг укаларидан бири) хат берди. Хатни ҳеч ким ўқий олмади. Биладиганлар «лотинча экан» дейишди. Шундан сўнг ўттизинчи йиллари саводини чиқарган бир муаллимга хатни ўқитишди. Унинг ичидан «Амир» деган сўз чиқди. Турсунбой хатни юлиб олди-да, қўйнига тиқиб, қишлоққа қараб от солди. «Амир тирик экан!» деган шовқин қишлоқни оёққа турғазди. Йиғлаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам.

Тангистепада бир-бирига қариндош бўлмаган хонадоннинг ўзи йўқ. Шунинг учун бутун қишлоқ йиғлаййиғлай тўй қилди десам, ҳайрон қолманг.

Эл-да, хатни шариллатиб ўқийдиганлар топилди. Конвертга бундай деб ёзилган экан: «Бухоро области, Шўрчи районн, Қорлиқ қишлоқ совети, «Маданият» колхози, Қаршиева Холдонга». (Холдон момо Амир Қаршиевнинг опаси, ундан икки ёш катта, ҳозир невара-чеварали).

Уч кундан кейин кэгэбэнинг одамлари келишди. Жуда-а чуқур суҳбат...

Бу гапларнинг ҳаммаси олтмиш учинчи йилнинг мартида бўлиб ўтди. Ана шундан сўнг Тангистепа билан Американинг ўртасида конвертлар бориб кела бошлади.

* * *

Саксонинчи йили Амир Қаршиев Тошкентга сайёҳ сифатида келди. Оёғи шу тупроққа етиши билан Тангистепага тилигром урди. Бу ердагилар ҳовлиқиб қолиб, «керакли идора»га боришди. У ердагилар эса зудлик билан Тошкентга сим қоқдилар. «Амир Қаршиев Тошкентни томоша қилиб юрипти, маршрутини бузмаиглар» дейишди.

Шундай қилиб, Амир Қаршиев қирқ йил давомида биринчи марта ўзбекча сўзларни эшитди.

* * *

«Ўн икки-ўн уч яшарлигимда, билмайман, ниманингдир устида талашиб, укаларим билан уришдим. Шунда отам ҳаммамизни чақириб, сен ҳам болам, сен ҳам болам, ҳаммаларингни мен яхши кўраман, деди. Сўнг менга, нимага бунча жанжал қиласан, нима, ўлсам қабримга мармар тош қўярмидинг, деди».

Ўшанда Амир Қаршиевни Тошкентдан Тангистепага махсус машина олиб қайтди.

Самарқанддан бир мармар тош олди. Тангистепага келиб биринчи қилган иши отасининг қабрига мармар тош қўйиш бўлди. Ўшанда қабристонда биронта ҳам мармар тош йўқ эди — ҳозир кўпайиб кетган.

Амир Қаршиев Тангистепада саккиз кун юрди. Саккиз кун Тангистепада тўй бўлди.

Орадан бир йил ўтиб у Душанбега келди. Душанбени кўраман деб кўзи учиб тургани йўқ эди — қўнишн билан Тангистепадаги қариндошларини ўзининг ташрифидан хабардор қилди. Булар ҳам қанот боғлаб учиб бордилар. Амир Қаршиевнинг Тангистепага келиши учун махсус одамларнинг ижозати керак бўлди. Улар айтишдики, майли, эрталаб соат саккиздан кечқурун бешгача туғилган қишлоғига, қариндошлариникига меҳмон сифатида бориши мумкин, аммо соат бешдан кейин меҳмонхонага қайтиши шарт! Тангистепаликлар шунисига ҳам шукр қилдилар. Тангистепа билан Душанбенинг ўртасида машиналарнинг (бориб-келиши икки юз чақирим!) ғизиллашини шундан кейин кўрсангиз эди!

Саксон олтинчи йили Амир Қаршиев яна Душанбега келди. Ёнида Мариэн ҳам бор эди. Дарҳол Тангистепага тилигром қилди. Бу ёқдан жавоб бўлавермагач, яна! Шу кунлари кэгэбэнинг бир ходими Эшназирни (Амир Қаршиевнинг укаси) Шўрчининг паркида «тасодифан» учратиб қолди ва «Акангиз билан қизи Душанбега келганига беш кун бўлди, маршрут бўйича эртага Бухорога жўнаб кетиши керак, агар кўргиларингиз келса бугун боришларингиз мумкин» деди.

...Эртасига Амир Қаршиев қизи билан Бухорога учди. Тангистепаликлар эса поезд билан Бухорога жўнадилар. Аслида Амир Қаршиевнинг Бухорони кўришга эмачаси эзилиб тургани йўқ эди. У Тангистепага бормоғи керак эди. Аммо ижозат бўлмади: «Маршрут бузилмаслиги керак!»

Буниси — унинг тўртинчи ташрифи. Бу гал у дипломатия қилиб ўтирмади — тўғридан-тўғри Тангистепага келаверди.

Тўқсонинчи йилнинг ўн тўртинчи июль куни Тангистепада катта, жудаям катта тўй бўлди. Амир Қаршиев шу куни етмишга кирган экан.

* * *

Амир Қаршиев билан суҳбатлашсангиз, нима десам экан... худди Абдулла Қодирийнинг қаҳрамонлари билан гаплашаётганга ўхшайсиз. У йигирманчи йиллардаги ўзбек тилида гапиради. Аммо луғати жуда камбағал. «Келди» демоқчи бўлса, «нелиптур» дейди. Агар тезроқ гапирсангиз, бунинг устига турли ўрисча сўзларни ишлатиб юборсангиз, бирон гапингизни англамайди.

* * *

— Мана, ўттиз тўрт йилдан бери Америкада яшаётган экансиз. У ёқда олти юз минг нафардан зиёд ўзбек бор дейишади. Бизда «Наврўз» байрами таъқиқлаб қўйилганда ҳам у ёқда сумалаклар пиширилиб, Наврўз нишонланган...

— Америкада мен биронта ўзбекни кўрганим йўқ.

— Сиз ўзбексиз — мусулмонсиз...

— Урушдан олдин отам намоз ўқишни ўргатган. Қишлоғимизда мачит бўлган. Биз шу мачитга чиқиб намоз ўқир эдик. У ёқда пенсияга чиққанимдан сўнг намозимни ўқиб турдим. Алоҳида хона бор. Аммо рўза тутганим йўқ: қачон бошланиб, қачон тугашини билмайман. Сўрайдиган одам йўқ.

— Биламиз, Америкада қанча маош оласиз, деб сўраш катта одобсизлик ҳисобланади. Аммо бизда салом-аликдан сўнг «Қаерда ишлайсиз, ойлигингиз қанча?» деб сўраш одатга айланган. Қанча пенсия оласиз?

— Бир минг саксон доллар. Билмайман, бу сизларда қанча бўлади...

— Энг сўнгги маълумотларга қараганда чайқовда долларнинг баҳоси эллик сўмга чиқипти.

— Мен билмайман.

— Бир ойда минг доллардан зиёд нафақа олсангиз... Уй-жой, машинангиз ҳам бордир? Бадавлат экансиз.

Гапга Эшназир ака аралашди:

— Акам айтмаяпти: тўрт қаватли уйи, бизнинг «Чайка»ларимиздан ҳам катта яп-янги машинаси бор.

* * *

Амир Қаршиев етмишга кирган бўлса ҳам қомати тик, сочлари оппоқ, баданида бир тишлам ортиқча эти йўқ. Қорамағиз юзига ниқоб тортилгандай: бир неча соат давом этган суҳбат чоғида юзи «қилт» этмади. Ўзининг айтишича, ичмайди, чекмайди. Охирги марта Улуғ Ватан урушидан илгари касал бўлиб беморхонага тушган. Ўшандан бери бирон марта касалхонанинг эшигидан қарамаган. Мен унинг гапларига ишондим. Ҳақиқатан ҳам Америкада касалланиб катта харажатлар эвазига даволанишдан кўра касал бўлмай қўя қолишни афзал биладилар.

* * *

Сезиб турсам ҳам одобсизлик қилдим:

— Нега миллионер бўлмадингиз?

— Куч-қувватим бор пайти тил билмадим. Энди эса ҳафсала йўқ. А-а, менга миллион нега керак? Ҳамма нарса етарли. Банкдан фойда оламан. Ўн етти фоиз. Бўлади шу менга.

— Тангистепадан уйланиб қўйсангиз қандай бўлар экан?

— О-о, йўқ. Энди бўлмайди. У ёқда фарзандларим бор. Энди оғайниларимни болаларим билан таништираман.

Амир Қаршиев сиёсий мавзудаги саволларга хушламай, ғоят умумий тарзда жавоб беради. Мен иқтисодимиз, таъминотимиздаги тангликлар ҳақида гап очдим.

— Одам агар ўзи учун ишласа ҳеч қачон чарчамайди.

Мен гангиб қолдим: «Демак биз... Ана гап қаерда!»

— Мана, Тангистепада уч ой бўлдингиз, зерикмадингизми?

— О-о, йўқ. Мен бу ерда зерикмайман. Булар ҳам мени зерикади, дейишади. Йўқ, зерикмайман. У ёқда зерикаман.

— Яна қачон келасиз?

— Худо-о билади.

* * *

Кўнгилни айнитар даражада бемаза сигаретнинг охиргисини ёндирдим. Амир Қаршиев билан қўл бериб хушлашдик. Қанча вақтга? Яна кўришамизми? Мен буни билмайман. Агар тирик бўлганида буни мен албатта Ғафур Ғуломдан сўрар эдим. Чунки мен эмас, у айтган «Тақдирни қўл билан яратур инсон» деб.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАМҒАРМАЛАР САЛМОҒИ ОРТДИ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистондаги энг катта Ўзбекистон давлат тасвирий санъат музейида ўтган йили шу музей фондини тўлдирган ранг-тасвир ва графика асарлари кўргазмаси очилди.

Кўргазмада таниқли мўйқалам усталарининг, шунингдек Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги ёш муаллифларнинг асарлари намойиш этилган. Етмишдан зиёд асар, графика ва акварел асарлари Ўзбекистон тасвирий санъати ривожланишидаги ҳозирги тамойиллар тўғрисида тасаввур беради.

Асарлар мавзуси хилма-хил. Улар орасида она юрт табиати тасвирланган суратлар, тарихий мавзудаги жанр асарлари, портретлар ва натюрмортлар, спектакллар ва кинофильмларга чизилган расмлар бор. Кўпгина асарлар ўткир ижтимоий йўналишга эга, уларда ҳозирги куннинг мураккаб муаммолари тўғрисида ҳикоя қилинади. Кўргазманинг алоҳида бир бўлими Орол денгизидаги экология ҳалокати мавзусига бағишланган.

Музей ходимларининг фикрича, агар музей ихтиёрида санъат асарларини сотиб олиш учун етарлича маблағ бўлганида, кўргазма анча каттароқ қилиб уюштирилиши мумкин эди. Жумҳурият Маданият вазирлиги бундай харажатлар учун ниҳоятда кам маблағ ажратаётгани туфайли кўпгина асарлар рассомларнинг устахоналарида қолиб кетаяпти, хусусий коллекцияларда сақланаяпти.

(ЎзТАГ).

ТАБРИК

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон районидаги Кичиккўрпа қишлоғида яшовчи Файзулла МУҲАММАДИЕВга

Дўстим Файзулла! Халқимизнинг ажойиб айтими бор: қирқилласанг — қирқ қир ошасан. Қирқ ёшингиз, яъни қирчиллама ёш, қирқ қир эмас, қирқ минг қир ошиб юринг!

Қадрдонингиз:
Турсунали УСМОНОВ.
Бекобод районн,
Зафар қўрғони.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖЎРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТЎЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.
Индекс 64608.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 4740 буюртма.